



## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШНИНГ АНИҚ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ

**Холмўминов Шайзоқ Рахматович** -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a22](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a22)

**Аннотация.** Ушбу илмий мақолада қишлоқ жойларда ички ва ташқи меҳнат миграциясининг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари илмий асосланган ҳолда аниқ социологик тадқиқ этилган. Мигрантлар учун маҳаллий ва хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш, хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этишининг самарали молиявий манбалари, омиллари ва шарт-шароитлари респондентларнинг сўровномалари натижалари асосида аниқланган.

**Калит сўзлар:** меҳнат мигрантлари, янги иш ўринлари, социологик таҳлил, сўровнома, ижтимоий-иқтисодий механизмлар.

## КОНКРЕТНОЕ СОЦИОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СОЗДАНИЯ НОВЫХ РАБОЧИХ МЕСТ ДЛЯ ТРУДОВЫХ МИГРАНТОВ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ

**Холмуминов Шайзоқ Рахматович** -  
Профессор Ташкентского государственного экономического  
университета, доктор экономических наук

**Аннотация:** В этой научной статье социологически исследуются эффективные социально-экономические механизмы внутренней и внешней трудовой миграции в сельской местности, имеющие научное обоснование. Эффективные финансовые ресурсы, факторы и условия для организации мигрантами новых рабочих мест в отраслях сельского хозяйства, перерабатывающей промышленности, строительства, сферы услуг в отечественных и зарубежных странах были определены на основе результатов опросов респондентов.

**Ключевые слова:** трудовые мигранты, новые рабочие места, социологический анализ, опросы, социально-экономические механизмы.

## AN ACCURATE SOCIOLOGICAL STUDY OF THE CREATION OF NEW JOBS FOR LABOR MIGRANTS IN RURAL AREAS

**Kholmomynov Shayzok Rakhmatovich** -  
Professor of Tashkent State University  
of Economics, doctor of Economics

**Annotation.** This scientific article sociologically examines the effective socio-economic mechanisms of internal and external labor migration in rural areas, which have a scientific basis. Effective financial resources, factors and conditions for the organization of new jobs by migrants in the sectors of agriculture, processing industry, construction, services in domestic and foreign countries were determined based on the results of surveys of respondents.

**Keywords:** labor migrants, new jobs, sociological analysis, poll, sociol-economic mechanisms.

**Кириш.** “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг асосий устувор йўналишлари ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳисобланади.

Бунинг учун комплекс ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш зарур. Энг муҳим тадбирлардан бири меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун эса аҳолининг норасмий иш бандлигида катта улушга эга мамлакатимиздаги ички мигрантлар ва хориждаги ташқи мигрантлар учун янги иш ўринларини ташкил этишни кўпайтириш лозим.

Мазкур муаммонинг ечимлари бўйича етарлича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмаган. Қайд этилган тадқиқотларни олиб бориш учун статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари етишмайди. Шунинг учун меҳнат мигрантларига янги иш ўринлари яратиш борасида аниқ социологик тадқиқотлар олиб бориш зарур.

**Адабиётлар шарҳи.** Маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан меҳнат социологияси бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилган [3, 4, 5, 7, 8, 9, 12, 13].

Айниқса, россиялик олим, профессор В.Радаев [7, 8] томонидан меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни социологик таҳлил этишни методологик таҳлил этиш натижалари-

дан меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган республикамизда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Академик Т.Заславская [4] асарлари қишлоқ жойлардаги ижтимоий масалаларни тизимли ўрганишга бағишлангани билан қимматлидир.

Юқорида қайд этилган илмий адабиётларнинг аксариятида қишлоқ меҳнат мигрантлари учун иш ўринларини яратишнинг ижтимоий жиҳатлари тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада социологик таҳлил, иқтисодий-статистик, статистик танлов, таққослаш, иқтисодий-математик таҳлил, тизимни дастурлаш ва рақамли технологиялар усуллари билан кенг фойдаланилган.

Айниқса, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган аниқ социологик таҳлил ўтказиш методикасидан тадқиқот объектлари, танлов тўплamlари, респондентлар таркиби, социологик ахборотларни қайта ишлаш ва тегишли хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган [10].

**Тадқиқот натижалари.** Қишлоқ жойларда ички ва ташқи миграциянинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмларини аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Элликқалъа, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Ургут, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот белгиланган ҳудудларда респондентлар билан юзма-юз суҳбатлашган ҳолда, махсус сўровномани тўлдириш асосида амалга оширилди. Тадқиқот доирасида 1015 нафар меҳнат мигранти билан сўров ўтказилиб, тўлдирилган сўровномаларнинг сифати, ҳаққонийлиги бир неча босқичларда текширилгандан сўнг маълумотлар базасига киритилди.

Ўрганишлар доирасида амалга оширилган таҳлиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, ички ва ташқи меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хорихдаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган.

Сўровда қатнашган респондентларнинг деярли ярмини 18-30 ёшгача бўлганлар 39,5 %, 31-40 ёшгача 33,2 %, 41-40 ёшгача бўлганлар 18,5 %, 51 ёшдан катталар 8,8 %ни ташкил этган, уларнинг ўртача ёши 33,4 ёшга тенг бўлган.

Респондентлар жинси таркибида эркеклар 49,9 %, аёллар 50,1 %ни ташкил этди. Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда олий маълумотли мигрантлар сони ортиб бориши кузатилди. Танланган туманларда ўтказилган тадқиқотларда Китоб, Беруний, Элликқалъа, Зарбдор, Пахтакор туманларида олий, Пастдарғом ва Ургут туманларида ўрта махсус, Шаҳрисабз туманида эса ўрта маълумотли респондентлар устунлик қилди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, олий маълумотли респондентларнинг бошқа давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетишларига уларнинг ўз иш ҳақидан қониқиш ҳосил қилмаганликлари, маҳаллий давлат муассасалари ва ташкилотларида ойлик иш ҳақининг қониқарли даражада эмаслиги, истеъмол харажатларининг (озик-овқат маҳсулотлари, коммунал тўловлар ва ҳоказо) юқори эканлиги билан изоҳланади.

Мигрантлар таркибида педагоглар, ҳуқуқшунослар, тўқувчилик ва тикувчилик ишлари билан шуғулланувчилар, ўрта бўғин тиббиёт ходимлари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар сони устунлик қилади.

Тадқиқотда респондентларга “Сиз ички меҳнат мигранти сифатида ишчи кучи билан кам таъминланган қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган янги иш ўринларига бориб ишлаган бўлармидингиз?” деб мурожаат қилганимизда, уларнинг 45 фоизи “ҳа”, 31,5 фоизи “йўқ”, қолган 23,5 фоизи эса “билмайман” деб жавоб беришди. Бу жавоблар танланган туманлар бўйича кескин фарқланади. Хусусан, Элликқалъа туманида 56 %, Китоб туманида 52,8 % “ҳа” деб жавоб берганлар улуши устунлик қилди.

Тадқиқотда респондентларнинг республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги иш жойларида қандай шартлар билан ишлашни хоҳлаши ҳам ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвалдан кўринадики, “Сиз ички меҳнат мигранти сифатида ишчи кучи билан кам таъминланган қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган янги иш ўринларига бориб ишлаган бўлармидингиз?” деган саволга “йўқ” деб жавоб берганларнинг асосий сабаблари таҳлил қилинганда, респондентларнинг 19,9 %и “янги иш ўринларида иш ҳақининг пастлиги” деб, 13,5 %и “янги иш ўринларига замонавий техника ва технологиялар етарлича жалб этилмаганлиги”ни сабаб қилиб кўрсатишган. Шунингдек, “янги иш ўринлари бўйича ишончли ахборотнинг етишмаслиги” (12,7 %), “уй-жойлар билан таъминланишда қийинчиликларнинг мавжудлиги” (12,4 %) деган жавоблари ҳам салмоқли ўрин эгаллади.

**“Сиз ички меҳнат мигранти сифатида ишчи кучи билан кам таъминланган қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган янги иш ўринларига бориб ишлаган бўлармидингиз?” деган саволга “йўқ” деб жавоб берганларнинг асосий сабаблари таҳлили (барча респондентларга нисбатан, %да)**

1	Барча туманлар бўйича	Шу жумладан:							
		Китоб тумани	Шаҳрисабз тумани	Пастдарғом тумани	Ургут тумани	Беруний тумани	Элликқалъа тумани	Зарбдор тумани	Пахтакор тумани
Янги иш ўринларида иш ҳақининг пастлиги	19,9	28,8	28,8	9	18	19	17	18,4	20
Янги иш ўринлари бўйича ишончли ахборотнинг етишмаслиги	12,7	5,6	3,2	17	16	12	11	17	20
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш янги иш ўринларининг моддий, молиявий ва табиий ресурслар билан етарлича таъминланмаганлиги	7,4	8	5,6	4	3	2	6	14,4	16
Янги иш ўринларига замонавий техника ва технологиялар етарлича жалб этилмаганлиги	13,5	12	11,2	21	5	23	28	4	4
Қишлоқ хўжалиги яроқли ер майдонларини тақсимлашда шаффофликнинг мавжуд эмаслиги	7,2	6,4	4,8	4	8	5	8	17	4
Уй-жойлар билан таъминланишда қийинчиликларнинг мавжудлиги	12,4	18,4	21,6	2	27	2	6	19	3,2
Соғлиқни сақлаш, маориф, мактабгача таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш объекларининг етишмаслиги	11,0	12,8	16	20	8	9	11	4	7,2
Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ, транспорт ва бошқа яшаш учун зарур бўлган бирламчи ресурслар билан тўлиқ таъминланмаганлиги	11,3	8	8,8	21	13	23	3	3	10,4
Меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисида турғунлик муҳитининг юқорилиги ва сафарбарлиги (мобиллиги)нинг пастлиги	3,4	-	-	2	-	5	10	3,2	7,2
Бошқа асосий сабаблар ёзинг	1,3	-	-	-	2	-	-	-	8
<b>Жами:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Респондентлардан “Сиз ички меҳнат мигранти сифатида ишчи кучи етишмайдиган қишлоқ ҳудудларидаги қуйидаги қайси асосий тармоқлари ёки соҳаларида янги иш ўринлари ташкил этилишини хоҳлардингиз?” деган саволга, асосан, “пахтачилик-тўқимачилик кластери (соҳаси)” (13,6 %), фермер хўжаликлари (12,5 %), “мева-сабзавотчилик кластери (соҳаси)” (11,2 %) деб жавоб берганлар.

Шунингдек, тадқиқотда респондентларнинг республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги иш жойларида қандай шартлар билан ишлашни хоҳлаши ҳам ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвалдан кўринадики, республикамизнинг ишчи кучи етишмайдиган қишлоқ ҳу-

дудларида янги ташкил этилган иш ўринларида қуйидаги қайси асосий шароитлар мавжуд бўлса, меҳнат қилишни истайсиз? деган саволга респондентларнинг 24,6 фоизга яқини “янги иш ўринларида моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи белгиланган муддатларда тўланганида” деб жавоб беришган. Шунингдек, “имтиёзли кредитлар асосида қисқа муддатда уй-жойлар билан таъминланганда” (15,9 %), “янги иш ўринлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғи воситалари ҳамда сифатли коммунал хизматлари билан тўлиқ таъминланганда” (11,0 %) жавоблари ҳам салмоқли ўрин эгаллади.

Сизингча, меҳнат мигранти сифатида ишчи кучи етишмайдиган қишлоқ ҳудудларида янги ташкил этилган иш ўринларида қуйидаги қайси асосий шароитлар мавжуд бўлса, меҳнат қилишни истайсиз? (барча респондентларга нисбатан, %да)


	Барча туманлар бўйича	Шу жумладан:							
		Китоб тумани	Шаҳрисабз тумани	Пастдарғом тумани	Ургут тумани	Беруний тумани	Элликқалъа тумани	Зарбдор тумани	Пахтакор тумани
Янги иш ўринларида моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи белгиланган муддатларда тўланганида	24,6	34,4	38,4	10	26	21	21	23,2	23
Янги иш ўринлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш воситалари билан тўлиқ таъминланганда	8,6	8	4	9	6	5	4	16,8	16
Янги иш ўринлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет тармоғи воситалари ҳамда сифатли коммунал хизматлари билан тўлиқ таъминланганда	11,5	12	8,8	11	4	9	9	20,8	17
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш янги иш ўринларига инновацион технологиялар ва техникалар жалб этилганда	11,0	8	20	14	7	10	9	8	12
Янги иш ўринлари меҳнат, техника ва экологик хавфсизликлар билан таъминланганда	7,9	9,6	22,4	4	3	7	8	2,4	7
Янги иш ўринларининг фаолиятлари учун кафолатланган тўғридан-тўғри маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилганда	6,8	4	0,8	5	5	15	14	6,4	4
Имтиёзли кредитлар асосида қисқа муддатда уй-жойлар билан таъминланганда	15,9	24	5,6	17	30	18	16	10,4	6
Янги иш ўринларида фаолият кўрсатиш учун имтиёзли солиқ ва кредит ставкалари белгиланганда	4,4	-	-	5	-	5	10	4,8	10
Соғлиқни сақлаш, маориф, мактабгача таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд бўлганда ва улар яхши фаолият кўрсатганда	8,8	-	-	25	19	10	9	3,2	4
Бошқа асосий шароитлар бўлса, ёзинг	0,6	-	-	-	-	-	-	4	1
<b>Жами:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>

Аниқ социологик тадқиқотда фуқароларнинг ички меҳнат миграцияси билан бирга ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари ҳам ўрганилди.

“Сиз ташқи меҳнат мигранти сифатида хорижий мамлакатларда ташкил этилган янги ёки бўш иш ўринларида ишлашни хоҳлайсизми?” деган саволга 42 % “ҳа”, 33,4 % “йўқ” деб жавоб берган (1-чизма). “Ҳа” деб жавоб берганларнинг хорижда ишлашга қайси сабабларга кўра рози бўлишлари ўрганилди. Фуқаро-

ларнинг чет элга бориб ишлашлари асосий сабаблари 3-жадвалда келтириб ўтилган.

3-жадвалдан кўринадики, фуқароларимиз, асосан, “хорижий давлатлардаги янги ёки бўш иш ўринларида иш ҳақининг юқорилиги”ни (42,5 %) асосий омил қилиб кўрсатишган. Шунингдек, яшаш учун ижара ёки доимий уй жойлари билан таъминланганлиги (14,5 %), иш ўринларининг сифатли моддий-техник ресурслар ва технологиялар билан таъминланганлиги (10,8 %)“ жавоблари ҳам салмоқли ўрин эгаллади.



1-чизма. Хорижий мамлакатларда ташкил этилган янги ёки бўш иш ўринларида ишлашни хоҳлайсизми? (барча респондентларга нисбатан, %да)

Респондентлардан чет элдаги қайси соҳаларда ишлашни хоҳлашини аниқлаш мақсадида уларга “Сиз ташқи меҳнат мигранти сифатида хорижий мамлакатларнинг қайси асосий тармоғи ёки соҳаларида ташкил этилган янги ёки бўш иш ўринларида ишлашни хоҳлай-

сиз?” деган савол билан ҳам мурожаат этилган. Кўпчилик ўзининг ҳозирги касб-коридан келиб чиқиб, пахтачилик (14,2 %), саноат (11,9 %), мева-сабзавотчилик (8,5 %), қурилиш (8,0 %), фермер хўжаликлари (7,2 %) каби соҳаларини белгилаб ўтган.

3-жадвал

Ташқи меҳнат мигранти сифатида хорижий мамлакатларда ташкил этилган янги ёки бўш иш ўринларида қайси сабабларга кўра хоҳлаши (барча респондентларга нисбатан, %да)

	Барча туманлар бўйича	Шу жумладан:							
		Китоб тумани	Шаҳ-рисабз тумани	Паст-дарғом тумани	Ургут тумани	Беру-ний тумани	Элликқ алъа тумани	Зарб-дор тумани	Пахтак ор тумани
Хорижий давлатлардаги янги ёки бўш иш ўринларида иш ҳақининг юқорилиги	42,5	38,8	21,6	53	50	58	60	28	30,4
Иш ўринларининг сифатли моддий-техник ресурслар ва технологиялар билан таъминланганлиги	10,8	3	2,4	11	7	8	8	27	20
Хорижий янги иш ўринлари белгиланган муддатда молиялаштирилганлиги	6,8	8,9	5,6	4	-	4	6	15	11,2
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иш ўринлари коммунал хизматлар билан тўлиқ таъминланганлиги	6,3	4,5	4	8	17	6	4	3	4
Иш ўринлари меҳнат, техника ва экологик хавфсизлик талабларига тўла жавоб берганлиги	7,8	14,9	10,4	8	-	8	8	6	7,2
Яшаш учун ижара ёки доимий уй жойлари билан таъминланганлиги	14,5	22,4	48	9	13	8	6	3	6,4
Иш ўринларида меҳнат қилиш, овқатланиш ва дам олиш учун шароитларнинг етарлилиги	6,6	7,5	7,2	2	13	2	5	7	8,8
Иш вақтининг белгиланган меъёрлардан ошмаслиги	3,3	0	0,8	5	-	6	3	9	2,4
Бошқа асосий сабаблар бўлса, ёзинг	1,5	-	-	-	-	-	-	2	9,6
<b>Жами:</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>





Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мигрантларнинг асосий қисмига (17,4 %) транспорт, курсларда ўқиш, дастлабки ойларда яшаш ва бошқа бирламчи харажатлар учун маблағларнинг етишмаслиги салбий таъсир этади. Шунингдек, хорижий иш берувчилар томонидан юқори иш ҳақи тўланмаслиги (17,4 %) ҳамда иш ўринлари етарлича меҳнат ва техника хавфсизликлари билан таъминланмаганлиги (10 %) деб жавоб беришганини кузатиш мумкин.

Мигрантларнинг аксарият қисми Россия Федерациясида меҳнат қилганликлари сабабли улар дуч келадиган энг кўп учрайдиган муаммо меҳнат фаолиятини бошлаш учун бериладиган рухсатнома (патент) олишнинг мураккаблиги бўлиб қолмоқда. Бу муаммога ечим топиш мигрантларга боғлиқ бўлмаслигини, аксинча давлатлар ўртасидаги келишувлар асосида ҳал бўлишини инobatга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, бу борада келгусида кўплаб ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, меҳнат қиладиган мамлакатининг тилини билмаслик ҳам меҳнат мигрантлари орасида кенг тарқалган бўлиб, бу эса мамлакатимизда айнан мигрантлар учун хорижий тилларни пухта ўргатиш марказларини очиш зарурати юқорилигини англатади.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўтказилган аниқ социологик илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва тавсияномалар ҳосил қилинди:

1. Муаллиф фикрича, меҳнат мигрантлари учун меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида кўпроқ яратиш лозим.

2. Социологик таҳлилга кўра, қишлоқ жойларда ички меҳнат мигрантлари янги иш ўринлари самарали фаолият кўрсатиши учун моддий рағбатлантирувчи иш ҳақи бериш, моддий ва молиявий ресурслар ҳамда замонавий асосий воситалар билан тўлиқ таъминлаш, имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар билан таъминлаш, замонавий интернет тармоғи билан жиҳозлаш каби асосий шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим.

3. Мамлакатимиз ташқи меҳнат мигрантларини юқори иш ҳақи билан таъминлашда, ижара ёки доимий уй-жойларини тақдим этиш, иш ўринларини сифатли моддий-техник ресурслар ва замонавий технологиялар билан таъминлаш каби асосий шароитлар мавжуд бўлганда, хориждаги иш ўринлари фаолият кўрсатишни маъқул кўришади.

4. Респондентларнинг аксарияти меҳнат миграцияси бўйича қонунчиликни такомиллаштириш тарафдори.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуни. – Т., 2020 йил 20 октябрь, ЎРҚ-642-сон.
2. Абдурахманов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт (дарслик). – Т.: Фан, 2019. – 592 бет.
3. Абдурамонов Х.Х., Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш кластерларини ташкил этиш асосида иш билан бандликни ошириш – Т.: "Бизнес-Эксперт" журнали. 10-сон, 2019 йил.
4. Заславская Т.И., Рыбкина Р.В. Методологические проблемы системного изучения деревни. – Новосибирск: Наука, 1977. – 315 с.
5. Логика социологического исследования. // Отв. ред. В.Г.Осипов. – М.: Наука, 1987. – 174 с.
6. Максакова Л.Н. Миграция и рынок труда в Узбекистане. // Миграция и рынок труда в странах Средней Азии (Материалы регион, семинара). – М.: Ташкент, 2002.
7. Радаев В. Социологический подход к анализу рынка труда: спрос на труд. // Российский экономический журнал, № 3. – М., 1995. С. 86-92.
8. Радаев В. Социологический подход к анализу рынка труда: Предложение труда. // Российский экономический журнал, № 5. – М., с. 82-89.
9. Территориальная выборка в социологических исследованиях. // Отв. ред. Т.В.Рябушкин. – М.: Наука, 1980. – 218 с.
10. Холмўминов Ш. Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 232 б.
11. Kholmuminov Sh.R. Basics of developing a complex models of digital technologies for regulation of relationships in the rural labor market. – Екатеринбург: Сборник научных статей II международной научно-практической конференции по цифровой экономике (ISCDE 2020).
12. Junankar P.N. An econometric analysis of unemployment in Great Britain, 1892-1975. // Oxford Economic Papers. 1981. V. 33. P. 387-400.
13. Oswald A. The Economic theory of trade unions: an introductory survey. Scandinavian Journal of Economics. 1985. V. 67. P. 160-193.